Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 244 (21. 110) 1991 йил 18 декабрь чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

• *Ўзбекистон—Туркия*

И. А. КАРИМОВ
Узбекистон Президенти:

— Келгусида турк халқи билан қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб ҳамкорлик қилиш йўлида боришни хоҳлаймиз.

Т. ЎЗОЛ,
Туркия жумҳурияти Президенти:

— Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги ишларида унга мадад беришга тайёр.

ТАШРИФНИНГ МАҚСАДИ — ИККИ ХАЛҚНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ

ТАСС—ЎзТАГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ АНҚАРАДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

ДЎСТЛАР УЧУН ҚАЛБИМИЗ ҲАМИША ОЧИҚ

● 16 декабрь 1991 йил.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Туркия Жумҳуриятига қилган ташрифнинг биринчи куни қизғин ўтди.

Делегация пойтахтдаги Эсонбўға аэропортида тантанали кутиб олинди.

«Турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари қадим замонларда бошланган, — деди Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзол Ўзбекистон раҳбарини табриклаб. Ислом Каримов жанобларининг Туркия Жумҳуриятига биринчи ташрифи турк—ўзбек сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада кенгайтиришга кўмаклашади. Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги ишларида унга мадад беришга тайёр».

«Дўст Туркияга ташрифимизнинг мақсади умумий тарихий, маданий, диний ва лисоний анъаналарга эга бўлган икки халқни яқинлаштиришдан иборат, деб таъкидлади жавоб нутқида И. А. Каримов. Дўст турк халқининг мадади бозор муносабатлари йўлга ўтаётган Ўзбекистон иқтисодиётини тез юксалтиришга кўмаклашади. Ўзбекларнинг қалби турк қардошлар учун ҳамиша очиқ».

Тушдан кейин Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Президенти Т. Ўзол, Бош вазири Сўлайман Демирэл билан расмий учрашувлари ва музокаралари бошланди. Кун тартибида икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш масалалари бор.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси ташрифининг режасида Туркиянинг саноат ва маданият марказлари — Измир ва Истамбул шаҳарларига бориш, турк савдо-саноат доираларининг, мамлакатдаги ўзбеклар жамоасининг вакиллари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Делегация Отатуркнинг ёдгорлик музейи ва мақбарасини зиёрат қилди. И. А. Каримов Туркия Республикаси асосчисининг даҳмаси ёнига гулчамбар қўйди ва ҳурматли меҳмонлар дафтарига ўз фикрини ёзди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг Президенти Туркия Бош вазири С. Демирэл билан учрашди. Уни Туркия ҳукуматининг бошлиғи лавозимига сайланганлиги билан ўз номидан ва ўзбек халқи номидан табриклаб, Ўзбекистон Президенти ушбу ташриф ва ташриф якунида имзоланадиган икки томонлама ҳужжатлар муштарак маданият, дин ва тил туфайли бирлашган иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Туркияда иқтисодиётни ривожлантиришдаги катта муваффақиятларни таъкидлаб, бу мамлакат босиб ўтган йўл Ўзбекистон учун намунадир, деди. «Биз бу тажрибадан фойдаланишни ва келгусида турк халқи билан қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб ҳамкорлик қилиш йўлидан боришни хоҳлаймиз», — деди у.

«Мен қардош Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президентини Туркия диёрида табриклаб кутиб олаётганимдан бахтиёрман, — деди ўз навбатида С. Демирэл. — Туркия ўзбек халқининг тўла давлат мустақиллигига эришиш муддаоси рўёбга чиқишида унга ҳар томонлама мадад беради».

И. А. Каримов С. Демирэлга ўзбек чеварлари тиккан тўн кийгазди, шунингдек Туркия ҳукумати бошлиғининг сурати тасвирланган гулдонни тақдим этди.

Суҳбатнинг расмий қисми вақтида Туркия—Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

● 17 декабрь 1991 йил.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Т. Ўзол билан унинг қароргоҳида учрашди. Туркия—Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун, қардош халқларни яқинлаштириш мақсадида телеалоқалар тизимини ривожлантириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарур, деб топилди.

Президентлар бир-бирларига совғалар топширишди.

Туркия Президенти Ўзбекистон Республикасининг Президенти шарафига зиёфат берди.

ДЎСТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

● Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқларининг Ашхободдаги учрашувида қабул этилган ҳужжатларни жумҳуриятимиз меҳнаткашлари зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқишмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат бошлиқларининг биргаликдаги амалий фаолияти қизғин маъқулланмоқда. Таҳририятимизга шу мавзуга бағишлаб хат-хабарлар келиб турибди.

ФАҚАТ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ НЕГИЗДА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг Ашхободда бўлиб ўтган учрашуви натижаларини бутун хоразмликлар интиқиб кутишди, десам ҳақиқатга тўғри бўлади. Чунки, собиқ Иттифоқдаги ҳозирги мустақил давлатлар учун фақат тенг ҳуқуқий негизда ўзаро ҳамдўстликни тузишдан бошқа йўл йўқ эди. Шунинг учун ҳам беш давлат бошлиқларининг баёнотини ғоят синчиклаб ўқиб, қониқиш ҳосил қилдик. Бу ҳужжатда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қандай бўлиши ва ҳар бир республиканинг ҳуқуқ ва манфаатлари ўз аксини топган, энг муҳими мустақил республикалар тенг ҳуқуқий негизда бош қовуштиришлари мумкин эканлиги акс этган.

Ҳозир бирорта республика бошқа собиқ иттифоқчи республикаларсиз кун кечиролмайди. Чунки собиқ Иттифоқ шундай тарзда тузилган эдики, унинг таркибидаги барча ҳудудлар кўзга кўринмас, мустаҳкам тўр билан бир-бирига чамбарчас чулғаб ташланганди. Масалан, Ўзбекистоннинг ҳом ашёсисиз Россия ёки Украинадаги корхона ишлай олмаса, биздаги завод ва фабрикалар ҳам бошқа ҳудудлардан келтириладиган техника ва эҳтиёт қисмларсиз бутунлай тўхтаб қоларди. Бу республикаларни зўрлик билан қовуштиришнинг бир йўли бўлиб қолганди. Шукурки, эндиликда зўрлик билан чандиб ташланган тўр иплари бирин-кетин узилмоқда. Россия, Украина, Белоруссия давлатлари ҳамдўстлигига Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳам тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида аъзо бўлаётгани бунинг ёрқин далилидир. Бундай ҳамдўстлик ҳудуддаги энг катта муаммоларни ҳам ечишни осонлаштиради, албатта.

Хоразм Орол ҳудудида жойлашган. Денгизнинг қуриб, бундан келиб чиқаётган муаммолар ўсиб-кўпайиб бораётгани ҳаммамизни қаттиқ ташвишлантираётганди. Ашхобод учрашуви қатнашчиларининг шу йўналишда қабул қилган қарори кўнглимизни анча кўтарди. Зора энди амалий ишга тезроқ ўтилса.

Бошқармамиз танқислик рўй бераётган ҳозирги шароитда бошқа корхоналар сингари Россиядаги ҳамкасблари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишга ҳаракат қиляпти. Тюмень вилоятида кўчма механизациялашган колонна ташкил этдик. Бу ерда 70 ишчи вахта усулида ишлайди. Биз Тюмень нефтсозларига уй-жойлар, мактаб, маданий-маиший бинолар қуриб беряпмиз. Улар эса бунинг ҳақини ёғоч билан узяптилар. Бу хилдаги алоқадан биз ҳам, улар ҳам манфаатдормиз. Шундай экан, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириб боравермиз.

К. ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоятидаги «Туямуюнгидрострой» трести ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

УЙҒОНАЁТГАН УМИД

Ашхободда бўлиб ўтган Президентлар учрашуви ва бу мавзуга бағишланган ҳужжатларни ўқиб ғоят тўлқинланиб кетдим. Негаки, учрашув қатнашчилари аввалги СССР субъектларининг СССР халқ депутатлари V съезди қарорлари асосида янгитдан бирлашиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди, деган фикрга қўшилдилар. Чунки, марказнинг узоқни кўролмайдиган сиёсати чуқур иқтисодий ва сиёсий тангликка, ишлаб чиқаришнинг барбод бўлишига, жамият барча табақалари турмуш даражасининг тобора пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Учрашувда давлатлараро муносабатларни мутлақо янги негизда ислоҳ қилиш юзасидан бошланган ишни ижобий ва бунёдкорлик ролини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Барча миллат фуқаролари тинчлик ва осойишталик ва тотувликда яшашларига имкон берадиган турмуш шароитини яратишга келишиб олинди. Шу билан бирга Тежен-Серахс темир йўли қурилишида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари биргаликда иштирок этишга, ана шу мақсадда ҳар бир давлатдан баравар миқдорда сармоя ажратишга рози бўлдилар. Бу турли миллат вакилларининг янада иноқ яшашларига катта умид уйғотади.

А. НОРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент техника дорилфунуни доценти.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

РЕГИСТОНЛИК САРБОН

КУҲНА Регистон. Не-не воқеаларнинг гувоҳи у. Бағрида не-не сиру-синоатлар мазмуни яширин. Баъзан майдонда сайр қиларканман, йўлкалар ва саҳн устидаги терилган тошларда буюк алломалар изини кўргандек бўламан. Амир Темур, Улуғбек, Ялангтўш, Баҳодирхон, Бобурмирзо, Абулайсий, Навоий, қолаверса Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Шароф Рашидов... Барча-барчалари ана шу майдондан пиёда ўтишган. Бу ердаги синоатдан, руҳдан мадад олишган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Регистоннинг шундоқ ёнидаги Даҳбеди маҳалласида ўсиб улғайган. Демак у ҳам буюк алломалар изини босган. Улуғлар мадади эса ҳамиша инсон тақдирига ёрқинлик бағишлайди. Самарқанддаги учрашувда Ислом ака ўз қалбидаги сўзларни лўнда қилиб айтди.

— Мен Самарқанддай мўътабар юртда туғилганман ва шу ерда вояга етганимдан фахрланаман. Бошимга мушкул иш тушганда албатта она шаҳримга ташриф буюраман, унинг донишманд, саҳоватпеша одамлари маслаҳатидан мадад оламан. Зеро, ўз она юртини севолган кишигина бутун Ўзбекистоннинг қадрига етади.

Биз кўпинча раҳбар кишиларнинг ёшлиги ҳақида гапиришга одатланганмиз. Шундай бўлсада биз Ислом Каримов болалигига айрим чизгилар бермоқчимиз. Ниятимиз бу кишининг шаънига ҳамду сано ўқиш эмас, балки, болалигидаги фазилатлари камолатга етишида нечоғли аҳамият касб этганини кўрсатишдир.

Ислом Каримовнинг бахти шундаки, у ажойиб кишилар муҳитида ўсиб-улғайди. Марварид ҳам шода ичидагина кўркини топади деганлари рост экан. У яшаган маҳаллада ҳозир ҳам илму-маърифат ҳукмрон.

Биз И. Каримов ўқиган 21-ўрта мактабга узоқ вақт директорлик қилган ва кейинчалик партия ва совет ишларида фаолият кўрсатган халқ таълими аълочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳалим Абдураҳмонов билан суҳбатлашдик. Муаллим бизга аввалига бир ривоят айтиб бердилар.

Айтишларича, шаҳар ҳокими донишмандга ўз фарзандини шогирдликка берибди. Маълум муддат ўтгач болани имтиҳон қилишибди. Донишманд узугини кафти орасига олиб сўрабди:

— Қани ўғлим айтингчи, қўлимдаги нима?

— Устоз кечирасиз, аввал шакл-шамойилини билай, кейин нелигини айтаман, — дебди шогирди.

Донишманд айтибди:

— Ўзи думалоқ, ичи тешик.

— Тегирмон тоши-да, устоз, — дебди болакай ҳовлиқиб. Шунда донишманд ҳокимга ва ўтирганларга юзланиб дебди:

— Фаросат тафаккурнинг шамчироғи, у бировга берилмайди, бировдан олинмайди, Бироқ инсон савиясини белгилайди. Болакай тегирмон тошининг думалоқ ва ичи тешик бўлишини яхши билади. Аммо бу тошнинг кафтимга сиғмаслигига фаросати етмади. Фаросат ҳар битта одамнинг ўзида бўлиши керак. Фаросати кучли киши келажакда албатта эзгу ишнинг этагидан ушлайди....

— Ислом фаросати кучли шогирдларимдан эди, — суҳбатни давом эттирди муаллим. — Ўндаги энг яхши фазилатлардан бири жасорат ва дадиллик эди. Ана шу фазилатлари туфайли ҳам у марказдан ўтказилаётган сиқувларга дош бераяпти, пўписалардан қўрқмаяпти, Ўзбекистон мустақиллиги йўлида ҳақиқий жасорат кўрсатаяпти.

Шу билан бирга Ислом агар бирор айб қилиб қўйгудай бўлса ёки топширилган бирор ишни ўз вақтида бажаролмаса албатта кечирим сўрарди.

Ҳалим аканинг бу сўзларини эшитяпман-у, Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессияси кўз ўнгимга келди. Каримов минбарга чиқиб ҳар кимда ҳам хато бўлишини айтди ва депутатлардан узр сўради... Самарқанддаги учрашувда у киши Қашқадарёда ишлаган пайтида Марказга сифатсиз маҳсулот жўнатилгани учун иккита хўжалик директорини ишдан бўшатганлигига ҳали ҳам пушаймон эканликларини айтдилар.

Ўшандаги битта гап ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди.

— Танқид ҳар қанча фойдали бўлмасин, ҳар кимга ҳам ёқавермайди. Айниқса ғурури баланд кишиларга. Жумҳуриятнинг бош раҳбариман. Хусусан сессиядаги танқидлар — мени қанчалик ҳаяжонлантирган бўлсада, уларни босиқлик билан қабул қилишга ҳаракат қилдим. Дарҳақиқат раҳбар кишининг ўта қизиққонлик қилишга, жиззакиликка ҳаққи йўқ.

Муаллимнинг суҳбатини мириқиб эшитамиз.

— Биласизми, у пайтлар электр чироғи йўқ эди. Фонусда ёки шамчироқда дарс қилишардик болалар. Исломнинг озода, камтарин кийинишига ҳамма ҳавас қиларди. Ўқитувчилар билан агар фикри тўғри бўлса баравар тортишардик. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман. Ҳозир жумҳуриятимизда биринчи марта Президент сайловига тайёргарлик кўряпмиз. Менимча Ислом Каримов жуда катта жасорат билан ишлаяпти. Бугунги кунда унинг ўзини сайлаш жуда ҳам зарур.

Иккинчи суҳбатдошим иқтисод фанлари номзоди, Самарқанд Савдо институти доценти Султон Одиловнинг эҳтиросли гаплари ҳам маъқул бўлди.

Султон ака Ислом Каримовдан икки синф кичик бўлган. Математика ва физикага қизиқиш уларни бирлаштириб турган, бунинг устига иккови ҳам битта маҳаллада яшаган.

— Ислом ака биздан ҳеч ёрдамини аямасди. Фан тўгарагида унинг ёнидан жилмасдик. У киши болалигидан жуда ўктам эди. Ҳозир ҳам йиғилишлардаги гапларини эшитиб ўша даврларни эслаб қоламан. Спорт билан бирга шуғулланардик. Энг муҳими маҳалладаги болаларни ҳурмат қиларди. Жисмонан чиниққан, эўр бўлишига қарамасдан ҳеч кимга озор бермасди. Назаримда ана шу фазилати туфайли ҳам у ҳозирги кунда кўпчилик ҳурматига сазовор. Мен четдан Ислом ака ҳақида ҳар хил миш-мишларни ҳам эшитиб қоламан. Уларга қатъий айтмоқчиманки, Ислом аканинг кимлигини биз, урушдан кейинги болалар, жуда яхши биламиз ва унинг ҳалол, покиза хизматқилишига чин дилдан ишонамиз.

Даҳбеди маҳалласидаги қариялар, хотин-қизлар бир сўзни такрорлашди.

— Биз маҳалламиздан Ислом Каримовдай инсон етишиб чиққанлигидан фахрланамиз ва бутун жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ана шу тўйғумизга шерик бўлишини истаймиз.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАНЗУР СИЁСАТ

Азиз дўстлар!

Биз республика «Билим» жамияти таъсис съездининг қатнашчилари бугунги ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда Сиз азиз илм ва маърифат аҳлига, жамиятнинг барча аъзоларига мурожаат қилмоқдамиз.

Жонажон Республикамиз бу йил истиқлолга эришди. У мустақил ички ва ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Бу халққа маъқул ва манзур, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсатдир.

Мустақил Ўзбекистонимизда олиб борилаётган изчил ва бунёдкорлик ишлар Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. И. А. Каримов қийин ва мураккаб даврда халққа таяниб, халқнинг орзу-умидлари, дардини ўйлаб, илм, ақл ва идрок билан иш кўрмоқда. Ундаги ишчанлик, куч-ғайрат, талабчанлик ва катта ташкилотчилик қобилияти республика манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Бу ҳақиқатни халқимизга, республиканинг ҳар бир фуқаросига тушунтиришда фаол қатнашиш-ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Биз барча илм ва маърифат тарғиботчиларини, «Билим» жамияти аъзоларини 29 декабрь куни ўтказиладиган Референдумда фаол қатнашиб, республикамиз мустақиллиги, бундан буёнги равнақи ва истиқболи учун И. А. Каримовнинг номзодига яқдиллик билан овоз беришга чорлаймиз.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси олий давлат лавозимига Халқ демократик партияси раиси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзоди кўрсатилганлиги ромитанлик халқ маорифи тизими ходимларини ҳам беҳад қувонтириб юборди.

Болалар тарбияси ишониб топширилган ўқитувчилар меҳнати қадрланаётганлигида, улар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликда И. А. Каримовнинг ҳиссаси катта.

«Биз И. А. Каримовни Президентликка энг муносиб номзод деб биламиз ва сайлов кунида унга овоз берамиз». Ромитан райони халқ таълими бўлимининг рўзномамизга юборган телеграммасида ана шу сўзлар қайд этилган.

Шундай мазмундаги телеграммаларни Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 3-сон «Донишманд» маҳалла фаоллари, Қўқон шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, Наманган районидаги Тельман номли жамоа хўжалигидан ҳам йўллашган.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

РЕСПУБЛИКАДА

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛИШ ЙЎЛИДА

● **Орол муаммосини ҳал этиш юзасидан зарур чоратадбирлар белгиланиши ҳаёт тақозосидир.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси ноябрь ойи бошларида Нью-Йоркда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова ташриф давомида БМТ Бош котибига хат топширди. Бу хат инглиз, француз, испан, араб ва хитой тилларида битилган.

Хатда Орол денгизини қутқариш мақсадида халқаро ҳамкорлик масалалари кўтарилади. Хатнинг матни расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

● **Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон ўсимликшунос олимлари — физиологларининг анжумани давом этмоқда.**

Анжуманда жуда кўп масалалар, шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, деҳқончилик экологияси сингари масалалар муҳокама қилинаётир.

Соҳа олимлари олдида муҳим вазифалар турибди. Озиқ-овқат ҳамда техника экинларини парваришлаш, уларнинг ҳосилдорлигини оширишга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қишлоқ хўжалик ходимларига қўлига топшириш даркор.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ТИЛАКЛАР ВА ИСТАКЛАР

— Ислом Каримов биз учун қадрдон, Ўзбекистоннинг асл фарзанди бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолади. Ҳозиргача ҳеч ким биздек фахрийларга шу қадар имтиёзлар яратиб бермаган. Яхшигина пенсия оламан. Ўғлим ва келиним ўрта мактабда талабаларга сабоқ беришади. Келгуси йилдан муаллимларнинг маоши ошадиган бўлди. Шукур, рўзғоримиз бут. Мен ҳамиша ёшларга меҳр-оқибатли, диёнатли, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳамжиҳатлик каби фазилатларни сингдириб боришга ҳаракат қиламан.

Ушбу дил сўзлари Шакарқишлоқ маҳалласининг оқсоқоли Ҳасанбой Дўлтаевники. Шакарликлар республика президентлигига бўладиган сайлов куни албатта И. Каримов номзоди учун овоз беришмоқчи. Яқинда шу ерда бўлган йиғилишда 250 сайловчи шунга қарор қилди.

Т. ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев районидаги А. Ниёзов номли давлат хўжалиги ишчиси.

* * *

Республикада кўзи ожизлар ҳаёти шу кунгача нисбатан анча паст даражада, иш шароитлари ҳам ночор аҳволда бўлиб келган эди. Энди бизнинг турмушимизда ҳам бурилиш бўлмоқда. Бунга республика Президенти И. Каримовнинг ғамхўрлиги сабаб бўляпти. Биз сайлов куни И. Каримов номзоди учун овоз беришга қарор қилдик ва айни пайтда у келгусида ожизларга бериладиган ёрдамни кўпайтиради, халқимиз фаровонлигини янада ошириш учун курашади, деб ишонч билдирамиз.

Ўзбекистон кўрлар жамиятига қарашли Самарқанд ўқув ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти, жамоат ташкилоти, ишчи ва хизматчилари.

* * *

Республика Президенти сайловига тайёргарлик авж олган айни кезларда шу лавозимга номзод И. А. Каримов ва Муҳаммад Солиҳ ўртоқларга айтадиган сўзим бор: бўлажак Президентни халқ танлайди. Шундай экан ким ана шу юксак лавозимни эгаллашидан қатъи назар республика халқи турмушидаги аҳволни яхшилаш Сизга боғлиқ. Ҳозирги инқироздан чиқиш учун биринчи галда тартиб ва интизомни йўлга қўйиш, чайқовчилик, пораҳўрлик, ўғирликка зарба бериш керак. Бунда эса Президентнинг сўзи ва иши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳозир 100 сўмлик ойлигимиз 200—250 сўмга кўтарилди, аммо 100 сўмлик буюмнинг нархи 500 сўмга чиқиб кетди. Оилани боқиш қийинлашиб боряпти. Сизлардан илтимос, президентлик курсисига ўтирган биринчи кунданоқ ана шу ҳақда жиддий ўйласангиз. Сизларга ишонамиз, деб,

Н. МУМИНОВ,
фарғоналик оддий ишчи.

* * *

Косон районидаги «Большевик» давлат хўжалигида 4300 дан ортиқ сайловчи бор. Кўни кеча уларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Халқ бўлажак Президент ҳақида ўз холис фикрини айтди. Кўпчилик И. Каримов номзодини маъқулламоқда.

Қ. ШОМУРОДОВ,
хўжалик директори.

Б. ҒАНИЕВ,
партия ташкилоти котиби.

* * *

Ҳозир республикада сайловолди йиғилишлари ўтяпти. Президентликка ҳар иккала номзоддан бирини қўллаб-қувватлар эканмиз, бўлажак Президент энг аввало халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиши ва ҳамиша шунга амал қилиши зарурлигини айтмоқчимиз. Сир эмас, республикадаги баъзи раҳбарларда шахсий манфаат тош босиб кетяпти. Ишончимиз комилки, И. Каримов Президент қилиб сайлангач бу хилдаги воқеаларга бутунлай барҳам беради. Мен нега бундай деяпман? Чунки И. Каримовнинг республика Президенти қилиб сайланишига ишончим комил. Халқ манфаати йўлида унинг амалга ошираётган ишлари ана шундан далолат беради.

С. ШОНИЁЗОВ,
Тошкент давлат техника дорилфунуни Ангрен тоғ-энергетика куллиёти ўқитувчиси.

* * *

Мендан президентликка ҳар иккала номзоддан қайси бирини танлайсан десалар, албатта И. А. Каримов номзоди учун овоз беришимни айтаман. Чунки у Ўзбекистон мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш йўлида кўп ишлар қилди. Бир Президент бўлса шунча ишни қилади-да.

Б. БОБОЖОНОВА,
Хўжаобод райони.

* * *

И. А. Каримов Президент қилиб сайлангач, унинг раҳбарлигида республика ишлари янада жонланиб кетиши ҳозирданоқ сезилиб турибди. У имзо чеккан Фармонга асосан келгуси йилдан бошлаб мактаб-маориф, маданият ходимлари, медицина соҳаси кишиларининг маоши, нафақа олувчиларнинг пенсиялари янада оширилади. Шу ва бошқа савобли ишларини кўриб мен И. Каримов халқ ғамида яшаб, ишлаб келмоқда, деб қатъий ишонч билан айтамиз. Биз сайлов куни албатта уни ёқлаб овоз берамиз.

М. МУХТОРОВ,
Самарқанд шаҳар Сиёб райони.

М. ДАВРОНОВ,
Ургут райони.

* * *

Ўн бир фарзандни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Каттали давлат ва жамоа хўжаликларида меҳнат қилмоқда, олийгоҳларда таҳсил оляптилар. Кичиклари эса мактаб ўқувчилари. Аммо ҳаммамиз ҳам Президент И. А. Каримов фармонлари асосида турмушимиз енгиллашаётганлигини ўз мисолимизда сезиб турибмиз. Ишончимиз комилки, агар И. А. Каримовни Президент қилиб сайласак Ўзбекистоннинг келажаги янада порлоқ бўлади.

Ч. МАМАНАЗАРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Х. САТТОРОВА,
қаҳрамон она, Қумқўрғон райони.

* * *

Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» жамоа хўжалиги Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотида йиғилиш бўлди. Унда ҳамма бир овоздан сайлов куни И. Каримов номзоди учун овоз берилишини билдирди.

Б. ЭШОЛИЕВ,
хўжалик партия ташкилоти котиби.

* * *

И. А. Каримов Ўзбекистон Президенти бўлиб ишлаётганидан бери республикага биринчи раҳбар бўлиш учун ўзида барча ҳислатларни жамлагани яққол намоён бўлди. У қайси соҳага қўл урмасин энг аввал халқнинг манфаатидан келиб чиқиб, шу ишнинг оқибатини ўйлаб қиляпти. Ҳар қандай шароитда ҳам ғоғир, босиқлик билан иш олиб бораётганлигини кўриб-билиб турибмиз. Унинг оқиллик билан раҳбарлик қилаётгани сабабли бошқа республикаларда бўлаётгани сингари воқеалар Ўзбекистонни четлаб ўтмоқда. Биз — меҳнат фахрийлари, ўқитувчилари, жамоа аҳли сайлов куни албатта И. Каримов номзоди учун овоз берамиз.

А. ҚУЧҚОРОВ, Х. БУТАНОВ, Ч. ХОЛИҚУЛОВ, А. ЯХШИБОЕВ, А. ОЛИШЕВ,
Қуйичирчиқ районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

МАМЛАКАТДА

АМАЛИЙ ТАШРИФ

● **СССР Президенти Михаил Горбачев Москвага амалий ташриф билан келган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкерни қабул қилди.**

Суҳбат бошланишидан олдин СССР Президенти ҳозирги вақтда мамлакат ривожланишининг янги босқичга ўтаётганлигини айтди. Давлат котиби Бейкер эса Қўшма Штатлар СССРдаги таг-заминли ўзгаришларнинг муҳимлигини, ўз зиммасидаги масъулиятни тушуниб турибди, деб таъкидлади.

ТЎРТ СОАТЛИ МУЗОКАРА

● **Россия Президенти Борис Ельцин АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер билан музокараси тўрт соат давом этди. Ҳаммаси бўлиб 20 га яқин муаммо муҳокама этилди.**

Суҳбатдошлар журналистлар билан ҳам мулоқотда бўлишди. Собиқ Иттифоқнинг яна 6 республикаси 21 декабрь куни мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кириш тўғрисидаги битимни имзолайди. Икки давлат арбобларининг журналистлар билан учрашувида шу гап айтилди.

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА ҚОНУН

● **Қозоғистон Олий Кенгашининг сессиясида республика Президенти Нурсултон Назарбоев сўзга чиқди. У Қозоғистоннинг давлат мустақиллиги ҳақида қабул қилинган Қонун билан кўпмиллатли халқни табриклади.**

Давлат мустақиллиги ҳақидаги қонунда республикада яшовчи барча фуқароларнинг тенглиги ёзиб қўйилган. Қозоғистон Республикаси мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир.

ХАЛҚ МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

● **Туркманистон Коммунистик партиясининг XXV қурултойи бўлиб ўтди. Унда Коммунистик партияни тугатишга қарор қилинди. Компартиянинг вориси сифатида Туркманистон Демократик партияси тузилди.**

Фуқаролик жамияти, инсонпарварлик учун, халқнинг туб манфаатлари учун кураш — янги партиянинг шиори.

Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов қурултойда нутқ сўзлади. Демократик партиянинг шундан кейин бўлиб ўтган таъсис қурултойида у партиянинг раиси этиб сайланди.

МОЖАРО ЮЗ БЕРГАН ЖОЙДА

● **Кишиневда Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур Днестрбўйи республика раҳбари Игорь Смирнов билан учрашди.**

Молдова президентининг фармойиши чиқди. Унга биноан Дубоссаридаги воқеа натижасида юз берган тангликни бартараф этиш учун муроса комиссияси тузилган. Унинг аъзолари можаро юз берган жойга бориб ишга киришадилар.

59 ФОИЗДАН КЎПРОҚ ОВОЗ ОЛИБ

● **Марий Эли республикасида биринчи президент сайлови бўлди. Унда Владислав Зотин ғалаба қозонди.**

Сайловнинг иккинчи даврасида ўтказилди. Сайловчилардан 59 фоизидан кўпроғи Зотин номзоди учун овоз беришди. У илгари республика Олий Кенгашининг раиси лавозимида ишлаган эди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

● **Олмаотада халқаро анжуман очилди. «Олмаотадаги 1986 йил декабрь воқеалари ва мустақил давлат вужудга келаётган шароитда инсон ҳуқуқлари» мавзуига бағишланган.**

Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбайжон ҳамда собиқ ССР Иттифоқидаги бир қанча бошқа республикалардан келган ҳуқуқшуносларнинг, турли ҳаракатлар намояндалари иштирок этишмоқда. Қатнашчилар орасида ҳорижий меҳмонлар ҳам бор.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш ниятида олиб борилаётган талай тадбирларда қўшни Шарқ мамлакатларининг номлари кўпроқ тилга олинадиган бўлиб қолди. Улар орасида қадимий Туркия давлатининг номи ҳам тез-тез учрамоқда. Иккала томон — Ўзбекистон-Туркия ўртасида яхши алоқалар бошланаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ўнлаб мутахассисларимиз, маданият вакилларимиз бу кўҳна диёрга тез-тез бориб келадиган бўлиб қолдилар. Бундай сафарларда қатнашганлардан бири Тошкент давлат шарқшунослик олийгоҳи халқаро муносабатлар кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Анвар Қосимов-дир. У киши бу йил ҳам Туркияда бўлиб ўтган катта халқаро анжуманда иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Ўзбек олиминнинг у ерга таклиф этилишининг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Олим 1974—1978 йилларда Иттифоқнинг Туркиядаги элчихонасида масъул лавозимда 5 йил ишлаган биринчи ўзбек дипломатидир. Туркияда юз берган катта ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрган, унинг тарихи, маданияти, иқтисодиётини қизиқиб ўрганиши натижасида кейинчалик «Ҳозирги Туркия» китобини яратиб, уни Тошкентда чоп эттирган. Куни кеча у киши билан бўлган суҳбатимизда Туркия сафари таассуротлари ва икки диёр ўртасида олиб борилиши лозим бўлган алоқалар ҳақида гаплашдик.

— Анвар ака, сиз бу йил ана шу мамлакатга, қандай анжуманга борган эдингиз?

— Бу йил Туркияда бўлган навбатдаги анжуман мамлакат тарихи, ҳозирги муаммолари ва чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари масалаларига бағишланган эди. Бу катта йиғин таниқли олим, жамоат арбоби, профессор Ойдин Елчин ва у раҳбарлик қилаётган «Янги форум» сиёсий ва иқтисодий ойнома ташаббуси билан Бобурн шаҳрида ўтказилди. Унда АҚШ, Олмония, Япония, Хитой, Австрия, Қозоғистон, Озарбайжон олимлари қатнашдилар. Кўпгина олимлар бу анжуманда муҳим мавзуларда маърузалар ўқидилар. Уларда Туркия мамлакати ҳозирда эришаётган иқтисодий тараққиёт ютуқлари омиллари таърифланди. Мен ҳам ўз маърузамда Ўзбекистонда мустақиллик сари шаҳдам қадамлар қўйилаётганлиги, келгусида олиб борилиши лозим бўлган иқтисодий алоқаларимизда Туркия модели ютуқларидан фойдаланишимиз мумкинлиги ҳақида гапирдим. Менинг фикрларим юзасидан Туркияда чиқадиган рўзномалар, ҳафтаномалар, ойномаларда самимий хабарлар ва мақолалар босилиб чиқди. Уларда Совет Иттифоқининг жумҳуриятлари Туркия тараққиётини ўрганишга қизиқаётганлиги баён этилган. Анжуман шарофати билан Анқара, Хўжатепа шаҳарлари дорилфунунларида Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида лекциялар ўқидим. Бундан ташқари мамлакатнинг кўзга кўринган олимлари Қора Усмон ўғли, Меҳмет Сарой, Исмоил Ақа ва бошқа кўпгина олимлар билан дўстона суҳбатларимизда гап фақат Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг пойдеворини мустаҳкамлаш ҳақида борди. Туркия ва СССР дўстлик жамиятининг раиси Камол Бейтош Ўзбекистон мустақиллигини табриклаб, республикамизнинг барча аҳолисига қондошлик саломини йўллади.

У киши айни чоғда бизнесмен бўлиб, савдо-сотиқ соҳаларида яхшигина тажриба эгасидир.

— Сиз аслида қандай қилиб Туркияда ўзбек дипломати бўлиб қолган эдингиз?

— Мен Москвадаги дипломатия академиясини битирганимдан сўнг мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонасига ишга юборилдим. У ерда фаолиятимни бошлашим билан Ўзбекистондан биринчи бор келган мутахассис дипломат, деб мени табриклашди. Ўша пайтда мамлакатимизнинг ёрдамида Туркияда қурилаётган кўпгина корхоналарни иш юзасидан бориб кўришга тўғри келарди. Бундан ташқари турли тадбирларда ҳам қатнашар эдим. Кўпгина танишлар орттирдим. Улар кўпинча ҳузуримга келиб, Ўзбекистон ҳақида турли маълумотларни қизиқиб сўрардилар. Фаолиятим даврида Туркия Республикасининг иқтисодий тараққиёти йўлларини қизиқиш билан кузатиб бордим.

— Демак, Туркиянинг ҳозирги иқтисодий юксалиши ҳақида сизда етарли тасаввур бўлиши турган гап. Шу ҳақда гапириб бера оласизми?

— Ҳа, шундай. Ўтган ўн йилликлар Туркия учун жадал ривожланиш даври бўлди. Сабаби, бу даврда ташқарига маҳсулот чиқаришни кескин оширишга эришилди. Европа ва Америка давлатларининг қўллаб-қувватлаши натижасида хўжалик механизмини қайта тузиш, иқтисодий ўсишга, мамлакатни жаҳон бозорида ўз мавқеини яхшилаб олишга шароит яратилди. Ташқи сиёсат соҳасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, Туркияда 1990 йиллар бошларида 80-йиллар бошларидагига нисбатан катта ўсиш юз берди.

Биринчи марта бу ўсиш 1980 йил январида шакллана бошланган. Ўша пайтда Турғут Ўзол бош вазир маслаҳатчиси бўлган эди. Ўша йилнинг сентябрида армия қўмондонлиги амалга оширган давлат тўнтаришидан кейин қонуний ҳукумат ағдариб ташланди. Шундан кейин Т. Ўзол бош вазирнинг ўринбосари сифатида иш бошлади. Иқтисодиёт соҳасида юксалишни амалга ошириш режалари эълон қилинди. Шундай қилиб хорижий капиталнинг мамлакатга оқиб келиши изчил рағбатлантирилди. Бунинг учун кўпгина чеклашларга барҳам берилди. Замонавий техника ва технология ҳам мамлакатга кириб кела бошлади. Замонавий бизнесменлик шакллари ривожлантирилди.

1979—1980 йилларда миллий маҳсулот пасайиши содир бўлган бўлса, кейин унинг ўсиши бошланди. 1981—1983 йилларда йилига 3—4 фоиз, 1984 — 1985 йилларда 5, 1986 — 1989 йилларда эса 6—7 фоизни ташкил этди. Ҳамма соҳада юксалиш юз берди.

— Сиз Турғут Ўзол ҳақида нималар дея оласиз?

— Туркия Президенти Т. Ўзол катта обрў эгаси. У ҳозир 63 ёшда. Тажрибали сиёсатдон. 1989 йил ёзида мажлис депутатларининг овози билан Президент этиб сайланди. У Туркиянинг Истанбул шаҳридаги техника дорилфунунини тамомлаб, электроника соҳасида етук олим даражасини олгандан сўнг энергетика ва табиий ресурслар вазирлигида давлат хизматини бошлади. Бундан ташқари мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши дастлабки беш йиллик режаларини ишлаб чиқишда қатнашган.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг биринчи марта Туркияга расмий сафари муносабати билан қандай фикрдасиз?

— Бу сафар ҳаммамизнинг айни муддаоимиз бўлди. Ўзбекистон мустақилликни эълон қилганидан кейин хорижий мамлакатларга бошланган биринчи қутлуғ ва хайрли сафардир. Бу воқеа Туркияда катта қизиқиш билан кузатилмоқда. Икки ўртада олиб борилаётган музокаралар фақат иккала мамлакатнинг қадимий қон-қардошлигини қайтадан тиклаш билан бирга, иқтисодий ва маданий алоқаларимизда мазмунли саҳифалар очади. У мамлакатдаги тараққий этган ишлаб чиқариш кучлари билан яқиндан амалий ҳамкорлик қилишимиз ғоятда ўринлидир.

— Сизнингча, бу алоқаларни йўлга қўйиш учун қандай қатнов йўллари яратиш лозим бўлади?

— Туркия бизга яқин ва қўшни мамлакат. Ҳаво йўли очилди. Бу энди барча ишларимиз ривожида қўл келади. Поездлар қатновини йўлга қўйиш учун қўшимча бир неча юз километр масофада янгидан темир йўл қуриш лозим бўлади. Автомобиль қатнови йўлларини ҳам ўйлаб кўрса бўлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги янги алоқаларимиз халқларимиз истиқболига хизмат қилсин.

Суҳбатдош
Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

● **Шофиркон районидаги «Шофиркон» давлат хўжалиги деҳқонлари далаларда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларини ўзлари қайта ишлайдиган бўлишди. Хўжаликда консерва заводи қурилди. Бу ерда тузлама ва мураббо тайёрланаётир.**

Корхона жамоаси бу йил 5 миллион дона маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

СУРАТДА: завод ишчилари Майсара Йўлдошева ва Моҳира Нормуродова савдо шоҳобчаларига жўнатиладиган маҳсулотга тамға босишмоқда.

К. КАРИМОВ олган сурат.



Смена бошлиғи Владимир Холявко ва навбатчи уста Владимир Бенецкий Чирчиқ ГЭСида меҳнат қилишади. Улар навбатчилик қилган кунлари истеъмолчиларга белгиланган миқдорда электр қуввати юбориш ишлари кўнгилдагидек бажарилади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Энергетика: ечимлар ва муаммолар

ТЕЖАМКОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Иқтисодиётни танг аҳволдан олиб чиқишда энергетика тармоғининг барқарор фаолият кўрсатиши ўта муҳим. Энергетиклар буни яхши тушунишади. Шу боис ҳам бугунги кунда улар республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини энергия билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйишган.

Маълумки, энергия тизимида ишлаб чиқаришни бир маромда ушлаб туришнинг ўзи бўлмайди. Бизда эса тармоқ ходимларининг юқори малакали меҳнатлари туфайлигина бу соҳада барқарорликка эришиляпти. Ҳозир Ўзбекистонда 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станциялари 11 миллион киловатт энергия ишлаб чиқармоқда. Ўтган 6 йил ичида 1,9 миллион киловатт кучланишга эга бўлган янги қувватлар ишга туширилди. Умумий ўсиш эса 20 фоизга етказилди.

Бинобарин, республика электр тармоқлари хўжалиги кейинги йилларда тубдан ўзгарди ва ривожланди. Ўтган давр мобайнида ҳамма кучланишдаги электр узатиш линияларининг умумий узунлиги 215 минг километрдан ошиб кетди. Шу йилнинг ноябрь ойида Янги Ангрен ГРЭСини «Тошкент» подстанцияси билан боғловчи 500 киловатт кучланишдаги электр узатиш линияси ишга туширилди. Бу эса республика пойтахтини энергия билан таъминлашни бирмунча яхшилаш имконини беради.

Ҳозир тармоқда янги иншоотлар барпо этилиши билан бирга амалдаги корхоналарни таъмирлаш ва техникавий қайта жиҳозлаш ишлари ҳам кўнгилдагидек олиб бориляпти. Жумладан, 4-Қуйи Бўзсув, Комсомол, Товоқсой, ва бошқа ГЭСларда ўз фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган турбиналар, генераторлар, трансформаторлар ва бошқа ёрдамчи ускуналар алмаштирилиб, янгилари ўрнатилмоқда. Шунингдек, Тошкент, Навоий, Ангрен ГРЭСларида ва Фарғона иссиқлик электр станциясида ҳам хўжалик юритишнинг самарали усулларидан фойдаланиб, олинган даромад ва амортизация ажратмалари ҳисобига ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш давом этяпти.

Таққослаш учун мисол. Агар ўтган беш йилда тармоқда техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига қарийб 90 миллион сўм сарфланган бўлса, фақат биргина 1992 йил учун шу мақсадларга 30 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Албатта, тармоқдаги хайрли ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ биз шу ўринда моддий-техника таъминоти масаласи ўта қийин бўлган ҳозирги шароитда Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарор энергия билан таъминлаб турган жумҳурият энергетикларининг оғир ва шарафли меҳнатларини таъкидламоқчимиз, холос.

Бугунги кунда энергетиклар олдида турган энг муҳим вазифа — масъулиятли ва қийин давр бўлган қиш фаслида энергия узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Хўш, бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилди? Тармоқда қишга тайёргарлик ишлари ёз ойларидаёқ бошлаб юборилганди. Бироқ ушбу тадбирлар жумҳуриятлараро иқтисодий алоқалар амалда ҳеч қандай натижа бермаётган, Иттифоқ тармоқ моддий-техника таъминотида узилишлар давом этаётган оғир бир шароитда олиб борилди.

Ҳатто шундай ҳоллар бўлдики, энергетиклар бошқа минтақадаги ҳамкасбларидан тармоқ учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни ёрдамчи хўжаликларида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлаш эвазига олишга мажбур бўлишди. Шунга қарамасдан қишга ҳозирлик кўриш давомида 60 га яқин асосий қувват ускуналари, минглаб километр масофадаги электр ва иссиқлик тармоқлари тўла капитал ремонт қилинди. Бу мақсадлар учун 160 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилди.

Очиғини айтганда, бугунга келиб республика ёқилғи-энергетикаси баланси оғир аҳволни бошдан кечирмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, кейинги ўн йил ичида Ўзбекистон энергия тизимини ривожлантиришга етарли миқдорда маблағлар ажратилмади. Амалда у қувватлар резервсиз қолиб кетди.

Иккинчидан, ёқилғи манбалари етишмаслиги ҳамда янги Ангрен, Тахиатош ва Ангрен ГРЭСларидаги асосий ускуналарнинг бир маромда ишламаслиги ҳам умумий энергетика фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Тармоқ мутахассислари ушбу электр станциялари иш қобилиятини ошириш чора-тадбирларини кўришяпти. Жумладан, Тахиатош ГРЭСидаги 7-энергия тармоғида қайта тиклаш ишлари тугалланмоқда. Бу эса қуйи Амударё минтақаси энергия таъминотини яхшилашга бирмунча ёрдам беради.

Бироқ очиқ айтиш керак. Бизда ортиқча энергия йўқ. Шу боис, уни ўта тежамкорлик билан ишлатиш зарур. Таркиб топган оғир шароитни ҳисобга олиб ва жумҳурият халқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати шу йилнинг тўртинчи ҳамда 1992 йилнинг биринчи чорагида саноат эҳтиёжларига электр истеъмоли даражасини умумий истеъмол ҳажмининг 15 фоизи миқдорида камайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

Республикадаги кўпгина саноат корхоналари ва маҳаллий ҳокимият органлари бундай вақтинчалик мажбурий чорага тўғри муносабатда бўлишди. Улар шаҳар ва районларда, саноат корхоналарида энергия сарфини камайтиришнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Қарши бош канали, Чирчиқдаги «Электрохим» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда бу муаммо устида мутахассислар жиддий шуғулланишди. Тармоқ вазирлиги ҳам ўз навбатида энергия тақчиллигини камайтиришга ҳисса қўшаётган истеъмолчи корхоналарни пул мукофотлари билан рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқди.

Афсуски, энергетикада аҳвол танглигини ҳали кўпгина корхона раҳбарлари бир неча марта огоҳлантиришимизга қарамай, тушуниб етганлари йўқ. Буни саноат корхоналарида ўтказилган назорат рейдлари натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Жойларда энергиядан тежамсиз фойдаланиш ҳоллари давом этяпти. Шу сабабдан тармоқ ходимлари умумий қуввати 20 минг киловаттга тенг бўлган электр қурилмаларини ўчириб қўйишга мажбур бўлишди.

Эндиликда энергия ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тубдан қайта қуриш, уларнинг ҳамжиҳатлик билан иш кўришларини таъминлаш зарур. Шу ўринда яна бир карра эслатиб ўтиш жоизки, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишчи-хизматчилари, умуман барча фуқаролар энергиядан мумкин қадар тежамли фойдаланишлари керак. Зотан, шундай қилингандагина қиш фаслида энергия таъминотида узилиш бўлмайди, иш жойи ва хонадонларимиз доимо нурга тўлади.

М. ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР— АМАЛИЁТГА

ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

ЁКИ ЙИЛИГА БИР МИЛЛИАРД СЎМ ИҚТИСОДИЙ САМАРА КЕЛТИРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ИШ ХУСУСИДА

Қандай мўъжиза экан, деб ҳайрон бўлманг. Гап бир ҳужайрали яшил сув ўти — хлорелла ҳақида кетмоқда. Бу сув ўти қулай шароитда тез кўпаяди. Икки ҳужайра — тўрттага, тўрттаси — саккизтага, саккизтаси — ўн олтитага ва ҳоказо тартибда орта боради.

Хлорелланнг таркибида йод, бром, калий, фосфор каби ҳаётий муҳим моддалар мавжуд. Юз грамм биомасса таркибида 78,0 миллиграмм каротин, «В» витаминнинг турли кўринишлари, ҳўл (сузма) ҳолатдаги хлореллада эса 50 миллиграммгача «С» витамини бор. Хлорелла оқсил моддаларига ҳам сероб. Хуллас, бу сув ўтини озиқ моддаларнинг табиий хазинаси, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Хорижий давлатларда хлорелла ва бошқа сув ўтларидан озиқ-овқат учун қимматли хом ашё сифатида фойдаланилади. Япония, Хитой, Кореяда, шунингдек, Ғарб мамлакатларида сут маҳсулотлари, турли тансиқ таомлар, ичимликлар тайёрлашда хлорелла ва бошқа сув ўтлари кенг қўлланилади.

Бизда ҳам, хусусан, жумҳуриятимизда хлорелланнг фойдали жиҳатларини тадқиқ этиб, ундан фойдаланиш борасида муайян ишлар қилинди. Ўз вақтида академик А. Музаффаров, биология фанлари доктори, профессор Т. Товбоев бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан хлорелла 60-йилларнинг ўрталарида республика раҳбарларининг эътиборига тушиб, уни чорвачилик ва пиллачиликда жорий қилиш учун 500 та қурилма бунёд этилган эди. Лекин ҳафсаласизлик ва нўноқлик оқибатида ҳозир бу қурилмаларнинг аксарияти яроқсиз ҳолга тушиб қолди. Равшанки, кутилган самарага ҳам эришилгани йўқ. Нимага?

— Хлорелланнг меъёрида ўсишига кўз қулоқ бўлиб турадиган билимдон мутахассислар керак. Акс ҳолда кутилган самарага эришиш қийин, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти маъданлар микробиологияси ва биотехнологияси лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди Сулаймон Бўриев. — Хлорелладан билиб фойдаланилса, у жуда катта наф келтириши мумкин. Масалан, шелухани кўп еган моллар ғассипол моддаси билан заҳарланади. Ваҳолонки, хлорелла ғассиполнинг заҳрини қирқиш қудратига эга. Бундан ташқари, ем-хашак хлорелла билан бойитиб молларга берилса, уларни бўрдоқига топшириш муддати 10 — 20 кунга қисқаради. Молларнинг касалланиши ҳам кескин камаяди. Лекин, афсуски, эътиборсизлик туфайли бир вақтлар ғайрат билан бошлаб юборилган эзгу иш деярли йўққа чиқди ҳисоби. Истисно тариқасида Тошкент вилояти Калинин районидаги «Рассвет давлат хўжалигини айтиб ўтиш мумкин. Бу ерда бир кеча-кундузда юз тонна хлорелла суспензияси тайёрлаш қувватига эга қурилма ишлаб турибди. Бошқа жойларда эса неча минг сўм маблағ сарфлаб бунёд этилган қурилмалар қаровсиз ётибди.

— Сизнингча, бунинг сабаби нимада? — сўраймиз ундан.

— Ўзингиз биласиз, бизда кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Раҳбар киши жон хўжалигида хлорелла ўстириладиган қурилмани ишга туширишга камина бош-қош бўлди. Саккиз юз гектар майдонга чигит хлорелла ёрдамида ивитиб экилди. Одамлар жуда хурсанд. Чунки чигит тез ва сифатли униб чиқди. Иккинчидан, деҳқонлар заҳарли дорилар билан ишлашдан халос бўлдилар...

Дарвоқе, биз заҳарли дорилар — гербицид, пестицидлар атроф-муҳитни булғатаётгани ҳақида, бунинг натижасида турли касалликлар муттасил ошиб бораётгани тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин улардан фойдаланишга чек қўйиш борасида жуда сусткашлик қиляпмиз.

— Гап яна раҳбарлик санъатига бориб тақалади,— дейди шу муносабат билан фикр билдириб С. Бўриев.— Раҳбарлар қатъият кўрсатмас экан, бу борада илгари силжиш бўлмайди. Шахсан ўзим хлорелла билан йигирма йилдан ортиқ шуғулландим. Ҳозир асосан хлорелла ёрдамида заводлар, фабрикалар, шаҳар чиқинди сувларини тозалаш юзасидан тадқиқот олиб бораяпман. Бу ерда ҳам хлорелла туб бурилиш ясашда қўл келиши мумкин. Лекин синовдан ўтган илмий тавсиялар турмушга жорий қилинмасдан бесамара ётибди. Масалан, «Узгипросельстрой» лойиҳа институти жумҳурият қишлоқ хўжалиги вазирлиги буюртмасига кўра лойиҳа чизиб берди. Унга кўра Тошкент вилояти Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида ифлосланган сувни тозалаш ва хлорелла етиштириш, ундан ҳар хил тўйимли озуқалар ишлаб чиқарилиши зарур эди. Лойиҳанинг умумий қиймати 450 минг сўм бўлиб, уни жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган. Шу юзадан қарор чиқарган. Лекин ҳали ишга киришилгани йўқ. Табиат булғанмоқда. Зарур озуқа етиштириш йўлга қўйилмади. Ахир фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тадқиқотчиларнинг иши эмас-ку. Лекин шундай бўлса-да, биз қимматли вақтимизни йўқотиб ўн кунлаб, ҳатто ойлаб қойитсагина жўяли бир натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда, яъни раҳбар совуққонлик кўрсатса, ҳар қандай ташаббус таққа тўхтайди, — дейди С. Бўриев. — Узоққа бориб ўтирмай, бу хусусда содир бўлган бир воқеани айтиб берай. Яқинда Бухоро вилояти Қоракўл районида касаба уюшмалари район комитети раиси Нурмуҳаммад Юсупов ташаббуси билан район ҳудудида ўндан ортиқ қурилма бунёд этдик. Шахсан ўзим бориб қурилиш ишларига кўз-қулоқ бўлдим. Мақсад чигит экишда заҳарли дориларни ишлатмасликка эришиш эди. Лекин район қўмитасининг биринчи котиби ўзгардию не-не машаққат эвазига бунёд этилган қурилмалардан фойдаланилмай қолди. Заҳарли химикатлар билан ишлов берилган чигитни нав-ниҳол хотин-қизлар челакда сеялкаларга ташишади. Ҳолбуки, бу ишни бажараётган киши, албатта, махсус ниқоб—противогаз кийиб олган бўлиши керак. Чунки чигит куйдириладиган дори энг заҳарли химикатлар тоифасидандир.

— Агар чигит хлорелладa ивитиб экилса, заҳарли химикатга мутлақо ҳожат қолмайди, — деб суҳбатимизга қўшилди кичик илмий ходим Мамат Элмуродов. — Бу йил Қашқадарё вилояти Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги вазирлиги орқали оммалаштиришдан қийналар эдик. Илмий ишларга холис баҳо берадиган бирор ташкилот йўқ. Илмий раҳбар ёки мутасадди киши қувватласа, озгина умид бор. Йўқса, ишнинг чаппа кетиши аниқ, — дейди Қ. Давронов. У шу институт тупроқ микробиологияси лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди Исмоил Жуманиёзов билан содир бўлган воқеани ҳам айтиб берди.

Маълум бўлишича И. Жуманиёзов шу йил қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойи пайтида республика Президенти ҳузурига кирмоқчи эканини айтиб, хат ёзибди. Кейинчалик бундан хабар топган микробиология институти раҳбарияти биздан беруҳсат нега юқорига мурожаат қиласан, деган маънода унга роса дашном беришибди. Воқеа тафсилотларини бевосита И. Жуманиёзовнинг ўзидан суриштирдик.

— Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг қурултойда «Қани, Ўзбекистон равнақи йўлида астойдил қайғурадиганлар борми?» — деган гапидан тўлқинланиб кетиб, унга ўз фикр-мулоҳазаларим, таклифларимни айтмоқчи эдим,—дейди Исмоил ака.—Президент ёрдамчиси сафардалик пайтимда мени суриштирибди. Институт катталари бундан ташвишга тушиб қолишди. Сафардан қайтгач, мени уришиб беришди. Лекин мен шахсий манфаат ёки бировни ёмонлаш учун эмас, балки жумҳуриятимиз иқтисодини яхшилаш, атроф-муҳитни мусаффолаштириш, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг самарали йўллари хусусидаги мулоҳазаларимни айтиш учун Президент қабулига кирмоқчи эдим...

Дарвоқе, Исмоил ака энг юқори доираларда таклиф қилинса арзигулик тадқиқотлар олиб бораётган илм заҳматкашлари жумласидандир. У биринчи бўлиб чигитни дориламасдан хлорелла ёрдамида ивитиб экишнинг ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали эканлигини исботлаб берди. Бу усулни кенг жорий қилиш йўлида фидойилик кўрсатди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилоятининг бир қанча районларида чигит экишда заҳарли дорилар қўлланилмаётир. Бу, тупроқни, заминни заҳарли химикатларнинг ҳалокатли таъсиридан сақлабгина қолмасдан қишлоқ аҳлининг, айниқса, деҳқонларнинг саломатлиги учун ҳам фойдали бўлмоқда.

— «Шовот» районидаги «Москва» жамоа хўжалигидаги бир учрашув ҳеч эсимдан чиқмайди, деб ҳикоя қилади Исмоил ака. — Экиш пайти эди. Бригадаларни айланиб юрибмиз. Тажриба тариқасида бир неча бригадада чигит янги усулда — хлорелла ёрдамида ивитиб экилмоқда. Бир нечасида эскичасига — химикатлар ёрдамида қуйдириб экилмоқда. Райком котиби билан янги усулда чигит экаётган бригадалардан бирига келдик. Сеялканинг устида кексароқ бир киши ўтирган экан.

— Қалай, янги усул маъқулми? — деб сўрадим ундан.

У бош бармоғини кўтариб: «Зўр!» деди.

— Қайси жиҳатдан? — қизиқсиндим мен.

— «Илгари сеялканинг устида нуқул бурнимни шамолга тутиб ўтирардим. Чигит текис тушяптими, йўқми деярли эътибор бермасдим. Чунки энгашиб қарайман десанг, нафас қисилиб кетарди. Ҳозир эса чигитни қўлимга олиб ҳидлагим келади...» — жавоб берди у.

— «Кекса деҳқоннинг бу дил сўзлари кўнглимни яйратиб юборди, — деб ҳикоясини давом эттирди Исмоил ака. — Чигит эскича усулда экилаётган бригадалардан бирига борганимизда, негадир дориланган чигитни ҳидлаб кўргим келди. Райком котиби «Тушманг, ҳиди ёмон!» деганига қарамай, резина этикда чигитни қориб турган йигит билан ҳол-аҳвол сўрашган киши бўлиб, чигит уюми олдида бироз турдим. Бадбўй ҳиддан этим жиғирлагандек бўлди. Дарҳол машинага қайтдим. Кўнглим беҳузур бўла бошлади. Кечқурунга бориб тамоман мазам қочди... Умри гербицид, пестицид ва бошқа заҳарли дорилар ичида ўтаётган деҳқонларга раҳмат! Йўқ, биз олимлар, шунчаки раҳмат айтиш билан чекланолмаймиз. Бунга ҳақимиз йўқ. Деҳқонларимизни, умуман, она заминни заҳарли дорилар комидан халос этиш йўлларини тезроқ топишимиз керак. Синовдан ўтган тадбирларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишимиз зарур. Бу биз учун ҳам фарз, ҳам қарз».

Исмоил ака ўз халқи олдидаги қарзини виждонан узаётган олимларимиздан. Унинг илмий-тадқиқотлари самараси ўлароқ 1983—1990 йилларда 43 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги М. Мавлонийнинг таъкидлашича, агар Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги хўжаликлар чигитни хлорелла ёрдамида ивитиб экканида эди, йилига камида 1 миллиард сўм иқтисодий самарага эришилган бўларди...

— Хлорелланнг фойдали жиҳатлари ҳақида кўп ва хўп сўз юритиш мумкин, — дейди илмий ходим Комил Маҳмудов. — Мен унинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятига тўхталмоқчиман. Қорақалпоғистонда эканимда шўрлаган ерга хлорелла шарбати шимдирилгач, ҳеч нарсани кўкартирмай ётган тупроқ жонланиб, пиёздан мўл ҳосил берганига ўзим гувоҳ бўлганман. Бу ҳақда Исмоил ака кўп нарса гапириб беришлари мумкин. Чунки, домланнг докторлик ишлари Ўзбекистон шароитида тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига бағишланган. Яна Исмоил акани суҳбатга тортдик.

— Маълумки, тупроқ унумдорлиги унинг таркибидаги чириндилар ва микроорганизмларга боғлиқ, — дейди Исмоил ака, — Афсуски, пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган йилларда биз ҳадеб бир хил экинни экавериб, минерал ўғитлар ҳамда заҳарли дориларни беўлчов ишлатиб, тупроқнинг тинка мадорини қуритдик. Ҳозир кўп жойларда далаларимиз доридармонсиз куни ўтмайдиган бемор ҳолатига тушиб қолган. Агар биз яқин фурсатлар ичида тупроқнинг табиий қувватини тикламасак, далаларимиз буткул ишдан чиқиши мумкин. Тўғри, кейинги пайтда алмашлаб экишни йўлга қўйиш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда. Лекин алмашлаб экиш самараси муайян босқичга етгач, пасая боради. Ваҳолонки, хлорелла шарбати ёрдамида қисқа муддат ичида тупроқ таркибини тубдан яхшилаш мумкин. Бу йўналишдаги тажрибалар ғоят умидбахшдир. Навбатдаги вазифа — синовдан ўтган тадбирларни деҳқончиликка кенг жорий қилишдан иборат.

Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти илмий ходимлари билан суҳбат чоғида хлорелланнг сувни тежаш, мева-сабзавотлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш борасидаги, ҳар хил бебаҳо дори-дармонлар ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ҳақида ҳам анча-мунча нарсаларни билдик. Олимларнинг таъкидлашича, жумҳуриятимизнинг табиий шароити хлорелланн чексиз миқдорда энг арзон усулда ўстириш имконини беради. Агар бу иш оқилона йўлга қўйилса, иқтисодий самара жуда салмоқли бўлиб, деҳқончиликда туб бурилиш ясаш, деярли барча экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш, атроф-муҳитни мусаффолаштиришда олдинга жиддий қадам ташлаш, бинобарин, кишиларимиз саломатлигига салбий таъсир килаётган кўплаб омилларни бартараф этиш мумкин бўлади. Лекин, «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, мўъжизавий хислатларга эга хлорелла турли сабабларга кўра, ишлаб чиқаришда ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани йўқ. Айниқса, ҳозирги мушкул иқтисодий, экологик шароитдан келиб чиқадиган бўлсак, табиий равишда савол туғилади: Бу нохўш ҳол қачонгача давом этади! Қачон биз оёқ остидаги хазинадан самарали фойдаланишни ўрганамиз!..

О. НАЗАРОВ,

Ш. АЛЛОМОВ.

● МУШТАРИЙ ТАШВИШИ

ҚЎШ ПАСПОРТЛИЛИК ХАВФИ

Россиянинг четда яшаётган рус кишиларини қўш паспортли қилиш, ҳам Ўзбекистон, ҳам Росия фуқароси қилишга ҳаракат рус тилида сўзловчи халққа ғамхўрликми? Йўқ, албатта. Чунки, бу тадбир ўнлаб йиллар давомида чет халқлар орасида яшаётган рус кишилари тўғрисида ғамхўрлик қилиб келган маҳаллий аҳоли билан орани бузади, холос. Боиси, жумҳуриятлар мустақил бўлмоқда. Бу эса мустамлакачилик сиёсатининг балоён нафсига кўндаланг бўлмоқда! Асосан мўмин ва итоаткор, бой хом ашё манбаи — Ўзбекистоннинг мустақиллик эълон қилиши — гўё қиёмат-қоим бўлди улар учун. Чунки саноати арзон хом ашёсиз, халқи эса текин озиқ-овқат, нознеъмат ва сабзавотсиз қолиши мумкин-да! Марказий матбуот, радио ва телевидениенинг аямай, ўзбек халқи устига, жумҳуриятга ва унинг Президенти устига мағзава ағдараётгани фикримиз далилидир!

Қўш паспорт олиб ғурурланган сиёсий кўрларни ерли халқ билан уруштириб кейин қўпол аралашувга мустаҳкам замин тайёрлаш учун қилинаётган ғамхўрлик эмасми, бу!

Ўзбек халқи оққўнгил, мўмин, меҳмондўст. Ва лекин кўнгилчанликнинг ҳам ва ҳар бир яхши фазилатнинг ўз меёри бор.

Икки паспортлилик бир қараганда беозор демократик бир жараён, ғамхўрликдек туюлгани билан замирида катта сиёсий фитна режалари мавжуддир. Ҳушёр бўлайлик. Агар мустақиллик, фаровон ва равнақли жумҳурият қуришга, Амир Темур боболаримиз руҳига лойиқ бўлайлик десак, асло миллий низоларга, тартибсизликларга, кераксиз митингларга, намойишларга берилмайлик!

Содиқ ТУРАЕВ,

II гуруҳ ногиронн. Сирдарё районн.

Штатсиз мухбиримиз Равиль АЛЬБЕКОВ мактаб ўқитувчиларининг ҳаётига оид лавҳаларни суратга олишда жуда моҳир. У яқинда пойтахт вилояти Калинин районидаги 8-мактабда бўлди.

Суратларда: 1. Физика муаллими Мақсуд Иброҳимов (у айни чоғда мактаб директори ўринбосари бўлиб ишлайди) юқори синф ўқувчилари билан машғулот ўтказишмоқда. 2. Она заминга меҳр қўйсангиз, уни ардоқласангиз, у сизни тўйдиради, — дейди ўқитувчи Муртазо Орзиев ўз шогирдларига. Жонкуяр муаллим 31 йилдан буён шу мактабда ишлайди.

● ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДАН

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

Сарвар Қодировнинг «Трактор двигателларини унумли ишлатиш», «Ички ёнув двигателлари» китобларида Ўрта Осиё минтақасининг ўзига хос шароитида ишлатиладиган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва автомобилларидан фойдаланиш, шу мақсадга ажратиладиган ҳамма турдаги ресурсларнинг самарадорлигини ошириш йўл-йўриқлари очиб берилган. Зеро, деҳқончиликни механизациялашнинг ҳозирги даражасида трактор двигателларига алоҳида эътибор керак.

Машиналарнинг пухта ишлашини ошириш билан боғлиқ масалаларни инженер-техник ходимлар ҳал этадилар. Фан-техника тараққиётининг чинакам ижодкорлари бўлишлари учун улар назарий билимларини пухта эгаллашлари ва амалда қўллаишлари зарур.

Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти! Машина ва трактор двигателларини ишлатиш ва унинг самарадорлигини ошириш борасидаги муаммолар-чи! Биз бу ҳақда Тошкент автомобиль ва йўллар олийгоҳи автомашиналарни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Сарвар ҚОДИРОВГА бир неча савол билан мурожаат этдик.

— Машиналар пухталиги тўғрисидаги фан вақт ўтиши билан двигателлар системаларининг ишлаш қобилияти кўрсаткичи ўзгариши қонуниятлари, шунингдек, машиналарнинг ишламай қолиши сабабларини ўрганади, — деди Сарвар Муқодирович. Кам вақт ва маблағ сарфлаган ҳолда машиналарнинг узоқ вақт ва бетўхтов ишлашини таъминловчи усулларни ишлаб чиқади.

Мамлакатимизда трактор саноатида кўп қувватли тракторларни махсус ускуналар комплекси билан ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кўпгина юқори унумли тракторлар, комбайнлар, ўзиюрар машиналар ва бошқа техникани ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бироқ кейинги пайтда бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда бу соҳада ҳам қатор муаммолар юзага келди. Олийгоҳимиз профессор-ўқитувчилари бу борада бир қатор изланишлар олиб бормоқдалар.

— Сарвар Муқодирович, автомобиль транспорти ва йўллари олийгоҳи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қандай наф келтираётир?

— Саволингизга жавоб бериш учун бир муддат тарихга мурожаат этишга тўғри келади. Мен 1962 йилдан буён илм-фан билан шуғулланяпман. 1969 йили эса Москвада дизель двигателлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаганман. 1970 йили устозим профессор М. Ховахга учраб «Менга докторлик иши бўйича йўлланма беринг» дегандим. Устозим: «Мен сенга барча билимни бериб бўлдим, энди сен олимсан, менимча, Ўзбекистон учун муҳим бўлган муаммо билан шуғуллансанг, менинг дарслигимни ўзбек тилига таржима қилсанг мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман» деганди.

Мен устозимнинг ниятини амалга оширдим. Орадан олти йил ўтиб, М. Ховахнинг 30 босма тобоқли китоби биринчи бор ўзбек тилига таржима қилинди. Мен ишлаётган кафедрага Олтой мотор заводининг (бу завод фақат ер ҳайдайдиган тракторнинг двигателини ишлаб чиқаради) бош конструктори кириб келди ва қишлоқ хўжалигимиз учун ғоят долзарб муаммони ҳал қилиб беришни, яъни Ўрта Осиёнинг иссиқ ва серчанг шароитида двигателлар ёнилғи бериш аппаратининг тез ишдан чиқиши сабабларини илмий асослаб беришимни илтимос қилади. Рози бўлдим. Олийгоҳимизда биринчи бор хўжалик шартномаси асосида илмий иш бошладим. Натижа ёмон бўлмади. Бу мантақамиз учун катта фойда келтирди, турли рекламацияларга барҳам берди. Ўша йилдан бошлаб ўн саккиз йил давомида Олтой мотор заводи билан ўнлаб илмий ишлар олиб бордим. Сўнгра «Узсельхозтехника» бирлашмаси, давлат стандарти, «Астраханпромгазстрой» ва бошқа ташкилотлар билан қишлоқ хўжалик машиналарининг моторлари бўйича хўжалик шартномалари асосида илмий изланишлар олиб бордим. Кафедрамиз олимлари ҳам автомобиль, ҳам трактор двигателлари бўйича бемалол шуғулланаётганликлари ҳам шундандир.

Кафедрамизда бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича илмий лабораториялар мавжудлигини айтиб ўтишим лозим. Кейинги йигирма йил мобайнида 150 дан ортиқ илмий мақолалар, ўндан ортиқ ўзбек ва рус тилларида дарсликлар, монографиялар чоп эттирдим. 1984 йили эса докторлик диссертациясини ёқладим.

— Дарслик ва қўлланмаларингиз ва илмий ишларингиз хусусида тўхталсангиз?

— Трактор двигателлари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг туркумларини, улардан фойдаланишда содир бўладиган носозликларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф қилиш, ишлатилган газларнинг заҳарлилигини белгилаш ва унга қарши кураш тадбирлари, ёқилғи бериш аппаратурасини қисмларга ажратиш, йиғиш, созлаш ҳамда синаш каби кўплаб масалалар батафсил баён этилган бир неча дарсликлар ва қўлланмаларим чоп этилган. «Ички ёнув двигателлари», «Трактор двигателларини унумли ишлатиш», «Автомобиль ва трактор двигателлари», «Ўрта Осиёда автотранспорт дизелларининг ишлаш муддати» сингари дарслик ва қўлланмаларим қишлоқ хўжалиги муҳандисларини тайёрлашда маълум даражада ҳисса қўшаётганидан мамнунман. Айрим китобларим эса Ҳиндистон, Тожикистон ва Қирғизистонда таржима этилди.

Профессор А. Муталибов ва доцент М. Орифжонов билан ҳамкорликда ёзган «Механизаторлар учун маълумотнома» 20 босма тобоқдан иборат китобимиз эса чоп этилиш арафасида турибди. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтаётганимиз туфайли китоб нашр этиш ишлари ҳам ўлда-жўлда қолиб кетаётганга ўхшайди. Бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги техника олий ўқув юртлари талабалари учун ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар нашр этишда жонкуярлик кўрсатишлари лозим, деб ўйлайман.

— Автомобиль ва трактор моторлари бўйича ишлаётган профессор-ўқитувчилар олдида қандай муаммолар мавжуд?

— Тўғрисини айтиш керак, Аввало трактор моторларини Ўрта Осиёнинг иқлим шароитларига мосланган конструкциясини яратиш лозим деб ўйлайман. Иккинчидан, деҳқончиликда двигател насоснинг керамика деталий нусхасини яратиш, автомобиль ва тракторларнинг тирсакли ва тақсимлаш валларини плазма усулида қайта тиклаш, кислотали шароитларда ишлайдиган деталларнинг ишлаш муддатини вакуум технологияси асосида ошириш лозим.

Олдимизда яна бир муҳим муаммо турибди. Бу автотрактор бўйича 29 минг сўздан иборат русча-ўзбекча изоҳли луғатни яратиш бўйича ишлар қизғин боряпти.

Суҳбатдош М. ПИРМАТОВ.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ХОРИЖДА

ТУРКИЯНИНГ ҚАРОРИ

● Туркия Вазирлар Маҳкамаси собиқ Совет Иттифоқининг ўз мустақиллигини эълон қилган ҳамма жумҳуриятларини тан олишга қарор қилди.

Туркия ҳукумати расмий вакилининг баёноти телекўрсатув орқали эшиттирилди. Туркия тан олган барча республикаларда консулхоналар очилади, кейинчалик улар дипломатия ваколатхоналарига айлантирилади, деб таъкидланади баёнотда.

САМАРҚАНДДА КУЧИРИБ ЁЗИЛГАН ҚУРЪОН

«Галф Нью» рўзномасининг таъкидлашича, бу ерга келган тиш доктори бадавлат дубайликларга Қуръоннинг Самарқандда тайёрланган нодир қўлёзма нусхасини сотиб олишни таклиф қилмоқда.

Рўзнома маълумотларига қараганда, мусулмонларнинг бу муқаддас китоби XIII—XVI асрларда мамлюклар Мисрда ҳукмронлик қилган даврда кўчириб ёзилган. Бу ноёб қўлёзманинг Бирлашган Араб Амирликларида пайдо бўлиши тарихи ва унинг қачон кўчириб ёзилганлиги ҳозирча аниқланмоқда. Қўлёзма варақлари четидаги белгилар ҳам илмий аҳамиятга эга. Дубай бозорида қўлёзма китоб ҳаваскорларида катта қизиқиш уйғотди.

Каттагина ҳажмдаги бу китоб одамларнинг хусусий кутубхонасидан сотиб олинган бўлиб, у тахминан 200 йил муқаддам қайтадан тикланган. Китоб жуда қадимий бўлишига қарамай дурустгина сақланган, деб ёзади рўзнома, бу эса Қуръон қўлёзмасини яхши даврлар келишини кутиб авайлаб асраган ўзбекистонлик китоб эгасининг маҳоратидан далолатдир. Қўлёзманинг чет элга сотилганлиги ҳуди ана шундай вақт келганлигини кўрсатади.

РАСМИЙ РАВИШДА

● Норвегия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Блокхус Ослода сўзга чиқди. У Норвегия Россияни суверен давлат деб расмий равишда тан олганлигини айтди.

Осло Россия билан тўппатўғри дипломатия муносабатларни ўрнатиш тараддудини кўраётганлиги масаласи ҳам тилга олинди.

МУХБИР БИЛАН СУҲБАТДА

● Собиқ ГДР раҳбари Хонеккернинг тақдири қандай кечмоқда? Жаҳон матбуот саҳифаларида шу мавзуга бағишлаб хабарлар тез-тез пайдо бўлмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикасининг Москвадаги элчихонаси ходимлари Эрих Хонеккернинг Пхеньянга етиб бориши учун «шароит яратиш» тўғрисида Россия ва СССР раҳбарлари билан зўр бериб маслаҳатлашувлар олиб бормоқда.

КХДРнинг фавқулодда ва мухтор элчиси Сон Сен Пхир ТАСС мухбири билан суҳбатда шу гапни айтган.

ТАСС мухбирининг Хонеккер КХДР ҳудудида қабул этилган тақдирда Германия-Корея муносабатлари ёмонлашиши мумкинлиги ҳақидаги хабарни шарҳлаб бериш тўғрисидаги илтимосига жавобан дипломат шундай деган: «Бунинг учун асос йўқ, чунки гап сиёсий бошпана бериш ҳақида эмас, балки инсоний мулоҳазалар юзасидан тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақидагина боряпти».

«Ўзбекистон овози», ЎзТАГ, ТАСС мухбирларининг хабарлари ҳамда марказий рўзномалар ахборотлари асосида тайёрланди).

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ КЎЗГУДИР

Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси иш бошлаганига бир неча йил бўлишига қарамай, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, бой ҳунармандчилик буюмларини қайта рўёбга чиқаришда хайрли ишларни бажармоқда.

Муассаса илгари Тошкентнинг Намойишлар хиёбонидаги бинолардан бирида уч хонада тиқилиб иш бошлаган эди. Эндиликда унинг кўксига шамол тегиб, шаҳарнинг Маяковский кўчаси 6-уйдаги кенг даргоҳга кўчиб ўтди. Бу ерда олиб борилаётган катта таъмирлаш ишлари кўргазмалар зали, меҳмонхона, қатор устахоналар, спорт залларини яратиш имконини бермоқда.

Куни кеча бу масканда очилган бой ҳунармандчилик кўргазмаси маданиятимиз тарихида ўзига хос муносиб воқеа бўлди. Жамғарманинг турли вилоятларда ташкил этилган «Ипак йўли», «Беҳзод», «Тўмарис», «Ситора», ва «Боғдон» сингари корхоналарида моҳир усталар тайёрлаган миллий сўзаналар, гиламлар, хонатласлар, кулолчилик, пичоқчилик, дурадгорчилик буюмлари нафислиги билан кишига маънавий завқ беради ва миллий маданиятимизнинг бениҳоя узоқ ва бой тарихидан ҳикоя қилади.

Жамғарма янги биноси пештоқига «Маданият—миллатнинг жони» деб ёзиб қўйилганидек, бу кўргазма буюмлари аввало халқимизнинг турмуш маданияти қадимийлиги, унинг усталари ғоятда зеҳнли ва чинакам ижодкор кишилар эканлигидан яққол далолат беради.

А. ПЎЛАТОВ.



СУРАТ-АХБОРОТ

Қашқадарё вилояти, Ғузор райони марказида «Ёшлик оромгоҳи» очилди. Бу ерда бир йўла 250 киши дам олиши мумкин. Дўстлар билан бир пиёла чой баҳона ҳордиқ чиқариш учун барча шароит муҳайё.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) ширинликлар тайёрлаш цехи устаси Дилфуза Бекмуродова; оромгоҳнинг кўриниши; Зиёфат залида.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

• СПОРТ

МУСТАҚИЛ БИРИНЧИЛИК

● МУСТАҚИЛ Украина келаси йилдан футбол бўйича ўзининг миллий чемпионатини ўтказадиган бўлди. Мусобақаларни ташкил этиш ва кубок ўйинлари учун баҳслар ҳам ўзига хос тартибда давом этади. Жумладан, футбол жамоалари 9 мартдан 25 июнгача баҳорги биринчилик ва кубок ўйинлари учун ўзаро баҳслашадилар. Шундан кейин лигалардаги ўйинларнинг муддатлари аниқланади. Чунончи олий лигада 16, биринчи лигада 22, иккинчи лигада 17 футбол жамоаси иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Мусобақалар 1992 ва 1993 йилларга мўлжалланган бўлиб, куз — баҳор тарзида уюштирилади.

ИККИ ОЙЛИК САФАР

● МАЪЛУМКИ, олимпиада спортчиларнинг энг йирик анжуманларидан ҳисобланади. Шу кунларда қишки ва ёзги олимпиадаларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Зеро мамлакатимиз спортчилари аросатда турибдилар. Боиси, собиқ СССР Физкультура ва спорт давлат қўмитасини тарқатиб юбориш масаласи ўртага қўйилянти. Бордию шундай ҳол юз берса, жаҳоний баҳсларда спортнинг бир қанча турлари бўйича энг юқори ўринларни эгаллаб келаётган моҳир спортчиларимизнинг аҳволи нима кечади. Ўтган шанба куни эса анъанага мувофиқ Греция ўт олдирилган олимпиада машъаласи Франция етказиб келинди. Энди рамзий машъаланинг икки ойлик сафари бошланади. Уни Франциянинг 57 шаҳари орқали 5,5 минг спортчи қўлма-қўл олиб ўтадилар. 8 февраль куни Альбервиль шаҳрида қишки олимпиада олови ўт олдирилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1992 йилда олий билимгоҳга киришга тайёрловчи

6 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга ўрта мактабни битирганлар ҳамда 11-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: математика, география, ўзбек (рус) тили ва адабиёти.

МАШҒУЛОТЛАР 2 ЯНВАРДАН БОШЛАБ 5 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ

Тайёрлов курсини битириб чиққанлар умумий асосда кириш имтиҳонларини топширадилар ва олий билимгоҳга қабул қилишда имтиёзга эга бўлмайдилар.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ректор номига ариза, аттестат ёки дипломнинг нусхаси (ўрта маълумотлилар учун), мактабдан маълумотнома (11-синф ўқувчилари учун), 2 та фотосурат 3х4 см.

Ҳужжатлар билимгоҳнинг бошқарув куллиёти биноси да қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, София шоҳ кўчаси, 7-уй.

Маълумотлар учун телефон: 34-72-92.

ДИҚҚАТ

АЭРОФЛОТ ЯНГИЛИКЛАРИ! АЭРОФЛОТ

Жумҳуриятимизнинг чет мамлакатлар билан ишбилармонликка доир дўстона алоқалари жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

14 декабрьдан бошлаб ТОШКЕНТ—ИСТАМБУЛ — ТОШКЕНТ янги халқаро ҳаво йўли очилди. 3.300 км.-лик масофани пўлат қушлар 4,5 соат вақт мобайнида учиб ўтади.

Тошкентдан учиш вақти Москва вақти билан — соат 17.00 да, Истамбулдан орқага эса тайёра 23.10 да учади.

Парвозлар ҳафтада бир марта — шанба кунлари бажарилади.

Сайёҳлар, ишбилармон кишилар, бизнесменларни янги йўналишдан фойдаланиб, Туркия пойтахтига саёҳат қилишга чорлаймиз.

Тайёрагоҳнинг халқаро бўлимида бу ҳақда батафсил маълумот олиш мумкин.

Ҳаво йўллари марказий агентлиги «Астроваз» суғурта фирмаси билан ҳамкорликда йўловчиларни парвоз вақти муддатига 5000 сўм ҳажмдаги пулга кўнгилли равишда суғурта қилади.

Баҳоси 5 сўм турадиган суғурта полисининг орқа томонидаги маълумотларда суғуртанинг барча шартлари тўлиқ кўрсатилган. Тайёрагоҳнинг исталган кассасидан суғурта полисини сотиб олишингиз мумкин.

Маълумотлар учун телефонлар: 23-04-69, 23-03-69.

ОҲАНГАРОНДАГИ «САНТЕХЛИТ» ЗАВОДИ

ҚУЮВ ЦЕХИНИҢГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ УЧУН ИШЧИЛАР: қолипловчилар, стерженчилар, металл қуювчилар марказдан қочирма машиналарининг қуювчилари керак. Сирлаш-штампалаш цехига сирловчи-штампаловчиларни (маоши— 1000 сўмгача), **таъмирлаш цехларига фрезерчиларни** (маоши 1000 сўмдан 1200 сўмгача).

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Завод ишчиларининг ҳар бирига ой сайин 100 сўм миқдорида товон пули ва овқат нархи ошганлиги учун 80 сўмдан 120 сўмгача қўшимча пул берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга оила аъзоларининг сонига қараб шинам ётоқхонадан жой берилади.

Сизни кутамиз. Марҳамат қилинг!

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, «Сантехлит» заводи, телефонлар: 583-42, 584-42.

«САНТЕХЛИТ» ЗАВОДИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД — БУ СЎЗСИЗ БАЖАРИШЛИҚ, СИФАТ, ТЕЗКОРЛИҚ ҲАМДА БУЮРТМАЧИНИНГ ҲАМИША ҲАҚ ЭКАНЛИГИГА ИШОНЧ ДЕМАКДИР.

Бизнинг ускуналаримиз ва дастурий восталаримиз кўпгина корхоналарга жорий этилган.

Технезис корпорацияларининг Технезис-инфо О. О. О. ташкилотига мурожаат қилсангиз, Сизга;

яхлит ҳисоблаш тармоқлари;
битта IBM PC XT/AT хусусий ЭҲМи негизидаги кўп-терминалли тизимлари, IBM PC/XT/AT негизидаги дастурий техника комплекслари;
мамлакатимизда ишлаб чиқарилган IBM PC/XT туридаги техника негизидаги дастурий техника комплекслари; Искра 1031 (рангли монохром). ЕС 1841, 10, ВС 1842, СМ 1810;
периферия ускуналари; сканерлар, стриммерлар, лазер принтерлари;
дастурий восталар (иш ҳақи, УМЦ, банк амаллари ва ҳоказолар);
ксерокслар;
телефакслар;
телефонлар;
автомат жавоб берувчиларни

ЕТКАЗИБ ВА ЎРНАТИБ БЕРИШАДИ

Буюртмачининг хоҳишига кўра ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД ўрнатиб берилган техникани таъмирлаш, унга техника хизмати кўрсатиш ва дастурий восталарни ишлаб чиқишни ўз зиммасига олиши мумкин. Дастурий восталарни жорий этиш муддати — 1-2 ой.

ТЕХНЕЗИС-ИНФО ЛТД шартномалар тузишга қўмаклашган шахсларга миннатдорчилик билдиради ва воситачилик хизматлари учун ҳақ тўлашни назарда тутади.

Манзилимиз 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 63-уй.
Телефонлар: 67-25-57, 67-77-06, 67-04-90.
Факс. 67-85-86.

АДОЛАТ БОРМИ?!

18/67812~89 рақамли жиноят ишига нега Москвада нуқта қўйилди?

2. БОШ ПРОКУРОРНИНГ РИЁКОРЛИГИ

«СССР Прокуратураси
ҚАРОР
1991 йил 30 август.
Москва шаҳри.

СССР Бош прокурори, Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси Н. С. Трубин № 18/67812—89 иш бўйича тергов материалларини кўриб чиқиб, **аниқлади:**

Мазкур иш ССР Иттифоқи Прокуратураси тергов гуруҳининг терговчилари хизмат мансабларини суиистеъмол қилганликлари ва ҳокимият ваколатини ошириб юборганликлари (ЎзССР ЖК 149-модда 1-қисми ва 150-модда 2-қисмида кўзда тутилган жиноят аломатлари) тўғрисида тушган аризаларга мувофиқ 1989 йил 25 майда қўзғатилган.

Ишни қўзғатишдан олдин қуйидаги ҳолатлар рўй берган эди. СССР прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда мамлакатнинг турли минтақаларидан кўпгина терговчиларни жалб этган ҳолда Ўзбекистонда республика партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бир қатор раҳбарларининг жиноятқорона қилмишлари юзасидан тергов олиб борган.

1983 йил сентябрида тергов гуруҳларидан бирига СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, кейинчалик катта терговчи Т. Х. Гдлян бошчилик қилди. У Бухоро ИИБ ОБХСС бошлиғи Музаффаров, шаҳар саноат моллари савдоси директори Кудратов ва бошқаларни порахўрликда айблаш бўйича жиноят ишини ўз ишлаб чиқаришига олди. Ўша пайтдаёқ тергов гуруҳига Н. В. Иванов қўшилди. Кейинроқ у СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар терговчиси этиб тайинланди, амалда Гдлянниг ўринбосари бўлиб қолди.

1989 йил май ойига қадар таркибида баъзан 200 дан ортиқ киши ишлаган бу гуруҳ томонидан 17 та жиноий иш тергови ниҳоясига етди. Оғир жиноятларда айбланган 33 шахс судланди, 2 киши (Қаҳрамонов ва Ғоипов) оқланди, 4 та иш қўшимча терговга қайтарилди. Қўшимча терговдан кейин авф ҳужжати муносабати билан Яҳёевни жиноий таъқиб этиш тўхтатилди, шунингдек, жиноят составы йўқлиги сабабли Хайитов иши бекор қилинди.

Ишни қониқарсиз ташкил қилганликлари, хизмат интизомини бузганлик ва бошқа нуқсонлар учун Гдлян ва Иванов 1989 йил майида тергов ва гуруҳ раҳбарлигидан четлатилди. Шу пайтга келиб иш бўйича ҳибсда 28 киши ушлаб турилади, улар асосан порахўрлик ва суиистеъмоллик учун жиноий жавобгарликка тортилувчи партия ва совет идораларининг собиқ раҳбар ходимларидан иборат эди. Кейинчалик улардан саккиз киши (Смирнов, Осетров, Ражабов, Умаров, Раҳимов, Муҳаммадиев, Рўзметов, Хайитов)га доир жиноий таъқиб оқловчи асосларга кўра бекор қилинди. 20 кишининг иши судларга юборилди. Улардан 15 айбланувчи судланди ва 5 киши (Компартия МК котиби Абдуллаева, обком котиблари Туропов, Жабборов, Болтаев ва соғлиқни сақлаш вазири Худойберганов) оқландилар, улар бир ярим йилдан тўрт йилгача ҳибсда сақланган эди.

Судлов ва тергов натижалаларига Гдлян ва Иванов гуруҳ раҳбарлигидан четлатилгандан сўнг айбланувчи ва гувоҳларнинг катта қисми олдин берган кўргазмаларини рад этганлиги ва улар қўрқитув ҳамда бошқа қонунсиз усуллар туфайли ўзларига ва бошқаларга туҳмат қилганликлари тасдиқланганлиги ҳолати таъсир этди.

Бу аризалардан айримлари, жумладан гуруҳ терговчилари Картошян, Мавлонов, Прицхалава, Абдураҳимов томонидан қонунсиз усулларни қўллаш тўғрисидаги аризалар етарли тасдиғини топди. Бу терговчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала мустақил ҳал қилинмоқда.

Айни пайтда тергов гуруҳининг собиқ аъзолари Гдлян билан Иванов ҳам аризаларда айтилган қонунсиз усуллар қўлланилгани тўғрисидаги маълумотларни мутлақо рад этишмоқда. Уларнинг жиноятқорона қилмишларини тасдиқловчи бошқа далилларни икки йилдан ортиқ давом этган тергов даврида топиб бўлмади. Аризалар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслардан тушганлиги учун улар танқидий баҳоланишни талаб қилади.

Айбланувчиларни оқлаш, ишларни оқловчи асосларига кўра бекор қилишга қатор ҳолатларда терговнинг тўкис бўлмагани, далиллар тўплашга енгил ёндашув, тергов гуруҳининг раҳбарлари сифатида Гдлян билан Иванов, шунингдек ҳибсга олишга изн берган прокурорларнинг шошқалоқлиги ва далилларни етарлича баҳоламаганликлари, дастлабки ва кейин тергов бориши устидан прокурор назорати етарли бўлмаганлиги имкон берди.

Натижада гуруҳнинг қиммматбаҳо буюмларни асровчилар деб аталган терговчилар томонидан ўзлари чиқарган ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорларга биноан 25 киши ушланди ва 78 киши қамоққа олинди. Бу шахслардан кўпчилигига қонунда кўзда тутилган расман асослар бўлса ҳам, қатор ҳолатларда бундай чораларни қўллаш учун мутлақ зарурат йўқ эди.

Қиммматбаҳо буюмларни олиб қўйишнинг белгиланган тартиби бузилган. Пуллар, облигациялар, ноёб металлардан ясалган буюмлар кўп ҳолларда ўз вақтида қайта ҳисобланмаган, уларнинг хусусий белгилари кўрсатилмаган, ҳамиша ҳам уларнинг эгаларига тегишли баённомаларнинг нусҳалари берилган эмас.

Тергов гуруҳи ишни ташкил қилишда бошқа нуқсонлар ҳам рўй берган, унинг айрим терговчилари процессуал қонун талабларидан четлашганлар.

Терговнинг кўрсатишича, йўл қўйилган нуқсонлар ССР Иттифоқи Прокуратураси тергов қисмининг собиқ бошлиғи Г. П. Каракозов, шунингдек, СССР Бош прокурорининг собиқ ўринбосарлари О. В. Сорока ва А. Ф. Катусев томонидан қониқарсиз прокурор назорати олиб борилганлиги оқибатида рўй берган. Улар Гдлян ва Ивановга зарур талабчанлик кўрсатишмаган, кўпгина муҳим қарорларни ишни ўрганмай уларнинг докладларига мувофиқ ҳал этишган, баъзи айбланувчиларни ҳибсда сақлаш муддатларини етарли асосларсиз чўзиб беришган.

Шундай қилиб, иш бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонуннинг бузилиши интизомий жазо берилишига олиб келувчи мансаб нуқсонлари ҳисобланади. Бироқ Каракозов, Сорока ва Катусев прокуратура идораларида ишламайди, Гдлян билан Иванов илгари интизомий жавобгарликка тортилган (нуқсонлар учун ишдан бўшатилган).

Тергов қилиш давомида шахсан Гдлян ва Иванов қонунсиз усулларни қўллашгани ёки улар бошқа бирон бир жиноятқорона иш қилганликлари ҳақида гувоҳлик берувчи холис далил-исботлар топилмаганлигини ҳисобга олиб «СССР Прокуратураси тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қонунининг 28 ва 29-моддалари, Ўзбекистон ССР ЖПК 5-модда 2-бандига амал қилиб **қарор қилдим:**

1. № 18/67812—89 иш бўйича Т. Х. Гдлян, Н. В. Иванов, Г. П. Каракозов, О. В. Сорока, А. Ф. Катусевга нисбатан тергов иши уларнинг ҳаракатларида жиноят составы йўқлиги сабабли тўхтатилсин.

2. Г. П. Каракозовга нисбатан эҳтиёт чораси — бошқа жойга чиқиб кетмаслик бекор қилинсин.

3. Қабул қилинган қарор тўғрисида манфаатдор шахслар хабардор этилсин.

СССР Бош прокурори, ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси **Н. С. Трубин».**

— Тоҳир Қамбарович, буни қандай тушуниш керак? Бош прокурорнинг мазкур қарори риёкорликми ё бош ҳуқуқ қўриқчисининг тутуруқсизлигими?

— Биз ҳам бу ҳақда эшитиб ҳайрон қолдик. Неча ўн йиллаб бенуқсон ишлаган, обрўси ва тажрибаси катта мутахассисдан буни сира кутмаган эдик. Ҳар қолда бу қарор замирида мураккаб ҳоллар ётгани аниқ. Соддароқ қилиб айтганда, уни мансаб ва тақдир манфаати йўлидаги ўйин деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

— Республика прокуратурасида ишнинг бундай терс тус олиши эҳтимоли назарда тутилган эмасмиди?

— Кейинги йилларда марказий ҳокимиятдаги ўзгаришлар бизни кутилмаган вазиятларга тайёр туришимизни тақозо этмоқда. Муайян шу ишнинг аҳамияти республикамиз халқи учун нечоғли аҳамияти борлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси прокурори Бўритош Мустафоевич Мустафоев июнь ойидаёқ СССР Прокуратурасига мурожаат қилган эди:

«Москва
Иттифоқ прокуратураси
Илюхинга

Гдлян-Иванов фаолиятига алоқадор жиноят иши материалларини сақлаб қўйишни сўрайман. Бунинг имкони бўлмаса, сақлаш учун Ўзбекистон Прокуратурасига юборинг.

Ўзбекистон Республикаси Прокурори, 3-даража Давлат адлия маслаҳатчиси **Б. Мустафоев. 16.06.91».**

Республика прокуратураси умуман Ўзбекистонга, унинг фуқаролари ҳуқуқларига доир ҳамма ишларни синковлик билан кузатиб боришга интилмоқда. Бу борада биз халқ депутатларимизнинг фаоллигидан мамнунмиз. Ишимизда кўпинча уларнинг мададларига таянамиз.

Энди Ўзбекистон ва бошқа қатор республикалардан сайланган 83 нафар СССР халқ депутати имзолаган мактуб билан танишайлик. Иттифоқ халқ депутатлари съездига аталган бу мактубни СССР Олий Кенгаши Котибияти кўпайтириб икки мингга яқин халқ депутатига тарқатди.

Халқ депутатлари гуруҳи мактубида СССР Бош прокурори Н. С. Трубин 1991 йил 30 августда СССР халқ депутатлари Т. Х. Гдлян билан Н. В. Ивановга доир ҳаммага маълум жиноят ишини улар ҳаракатида жиноят составы йўқлиги сабабли бекор қилинганлигида қаттиқ таассуф билдирилади. Фитна кунлари ўзини кўрсатган Трубин, хат муаллифлари фикрича, қонун ва инсон ҳуқуқларига қарши номуносиб ўйин қилиб ўз лавозимини сақлаб қолишга уринмоқда.

Трубин кўп марта ўзининг сиёсатчи эмас, ҳуқуқшунос эканлигини таъкидлаган эди. Ҳозирги вазиятда у ўзининг ҳам ёмон сиёсатчи, ҳам ёмон ҳуқуқшунос эканлигини кўрсатди.

У Гдлян ва Ивановни оқлаш тўғрисидаги қарорини ишни олиб борган терговчилар фикрига қарши равишда қабул қилди.

Гдлян баъзи айбланувчиларнинг хотинлари ва болаларини қамаб қўйиб, туҳматдан иборат кўргазмалар олган, жумладан Ельцинга қарши, унинг обрўси кўтарилиб кетгач, Горбачевга қарши ҳужжатлар тайёрлаган. Фактлар СССР халқ депутатлари съезди комиссиясининг хулосаларига тўла-тўкис мувофиқ келади.

Яқиндагина, 1991 йил 12 июлда СССР Бош прокурори СССР Президентига берган маълумотида тергов гуруҳининг раҳбарлари томонидан мансаб нуқсонлари эмас, жиноятлар содир қилинганлиги рўй-рост ёзилган эди. Энди бўлса, ўша Н. С. Трубиннинг ўзи мутлақо тескари ва қонунсиз хулоса ясаб Гдлян ва Ивановни жазодан қутқармоқчи.

Албатта иш бўйича ҳар қандай процессуал қарор қабул қилиниши мумкин. Лекин биз шунга ишончимиз комилки, Гдлян ва Ивановдан бебошлик ва ноҳалоллик доғини сира ювиб ташлаб бўлмайди. Халқ бунга йўл қўймайди.

Биз халқ депутатлари съездига мурожаат қилиб, СССР Бош прокурорининг аҳлоқи ва у қабул қилган қарорга принципиал баҳо беришни сўраймиз.

Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатлари Ўзбекистон Республикаси прокуроридан Гдлян ва Ивановга қарши жиноят ишини қўзғатиб мустақил тергов ўтказишни талаб қиладилар. Чунки улар қатағонни Ўзбекистон халқига қарши ва унинг ҳудудида амалга оширганлар.

Мактуб пировардида шундай дейилади: ўзбекистонлик депутатлар мустақил суверен республиканинг вакиллари сифатида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро меъёрларга (яқинда республикамиз бу меъёрга қўшилишини тасдиқлади) мувофиқ, номи тилга олинган шахсларнинг ҳаракатларини мустақил тергов этилиши учун БМТга мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

— Тоҳир Қамбарович, мактубда Н. С. Трубиннинг СССР Президентига иш юзасидан маълумот бергани хусусида фикр юритилибди. Гап қайси маълумотлар тўғрисида боряпти?

— Шундай ҳужжат нусҳасига эгамиз. Эҳтимол, бу маълумотни тўлиқ келтириш лозимдир.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетамизнинг 243-сонида).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 244.

Рўзнома офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.45. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.